

**“АТ “Алоқабанк ” миноритар акциядорлари
қўмитасининг фаолияти тартиби
тўғрисида ”ги
Низом**

Тошкент – 2017

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом АТ «Алоқабанк»нинг (бундан буён матнда Банк деб юритилади) Уставига, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» Қонунига (янги таҳририда) «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази тўғрисидаги низомга мувофиқ Банкда миноритар акциядорлар қўмитаси (қуйида - «қўмита» деб юритилади) фаолияти тартибини белгилайди.

1.2. Мазкур Низомнинг мақсадида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

а) Акциядорлик жамияти (қуйида – «жамият» деб юритилади) - устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг жамиятга нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган Банки;

б) Акциядор - акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган юридик ёхуд жисмоний шахс;

в) Миноритар акциядорлар - акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши ва овоз бериши, йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш натижаларига таъсир ўтказмайдиган акциялар эгалари;

г) Кузатув кенгаши — қонун ва акциядорлик жамияти устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколати доирасига киритилган масалалардан ташқари жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширувчи Банк бошқарув органи;

д) Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази.

1.3. Қўмита банкда Банкнинг миноритар акциядорлари билан самарали алоқаларни қўллаб-қувватлашга ва банкнинг инвестициявий жозибдорлигини оширишга қаратилган тизимни шакллантириш мақсадида тузилади. Қўмитанинг фаолияти Банкнинг капиталлашувини оширишга ва унинг акциядорларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қўмаклашиши лозим.

1.4. Қўмита консультатив-маслаҳат органи бўлиб, миноритар акциядорларнинг қўмитаси Банкнинг корпоратив бошқарувини такомиллаштириш масалалари бўйича таклифларини кўриб чиқишни амалга оширади, Банкнинг ижроия органларига ва Кузатув кенгашига Банкнинг миноритар акциядорларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича тавсиялар беради. Қўмита Банкнинг сиёсатини ва ривожланиш стратегиясини миноритар акциядорларга тушунтиришга қўмаклашади.

1.5. Қўмитанинг қарорлари Банкнинг ижроия органи ва Кузатув кенгаши томонидан бажарилиши мажбурий эмас, ушбу Низомда назарда тутилган тартибда унга тегишли ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисидаги қарорлари бундан мустасно.

1.6. Қўмита ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, мазкур Низом, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга, Банкнинг Уставига ва ички ҳужжатларига таянади.

1.7. Миноритар акциядорлар қўмитаси Банкнинг фаолиятига аралашига ҳақли эмас.

1.8. Жамиятнинг кузатув кенгаши ёки ижроия органи томонидан миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолиятига аралашашига йўл қўйилмайди.

II. ҚЎМИТАНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

2.1. Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида акциядорлик жамиятида уларнинг орасидан қўмита ташкил этилиши мумкин.

2.2. Қўмита таркибига номзодлар бўйича таклифлар жамиятга, жамиятнинг кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифларни киритиш учун кўзда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.

2.3. Қўмитанинг аъзоларини сайлашда акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган ва жамият кузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йиғилишида кузатув кенгашига номзодлари сайланмаган акциядорлар иштирок этади.

2.4. Банкнинг Бошқаруви Раиси ва аъзолари, Банк ижроия органининг аъзолари, шунингдек Банкнинг Кузатув кенгашига ҳамда тафтиш комиссиясига (тафтишчисига) сайланган шахслар Қўмита аъзолари таркибига киритилиши мумкин эмас.

2.5. Қўмита аъзоларининг сони Банкнинг устави билан белгиланади, лекин уч кишидан кам бўлмаслиги, шунингдек умумий сони тоқ сондан иборат бўлиши лозим.

2.6. Қўмита аъзолигига номзодлар сифатида ўзини кўрсатиш ҳақидаги таклифлар Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй манзили бўйича хат билан юборилади. Ушбу хатга акциядорларнинг реестридан кўчирма, номзод ҳақидаги маълумотлар, шу жумладан номзоднинг фамилияси, исми ва ота исми, эгаллаган маълумоти, номзоднинг корпоратив бошқариш соҳасидаги илмий ва амалий билимлари, манзили ва алоқа телефони, шунингдек номзод билдиришни лозим деб ҳисоблаган ҳар қандай қўшимча маълумотлар илова қилиниши лозим.

2.7. Акциядорлар (акциядор) қўмитага ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

2.8. Қўмитанинг шахсий таркиби, шу жумладан, Қўмитанинг Раиси ва котиби акциядорларнинг умумий мажлисида тасдиқланади.

2.9. Қўмита аъзоларини сайлаш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга қабул қилинади.

2.10. Жамият қўмитаси таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

2.11. Қўмитанинг раиси фақат Банкнинг миноритар акциядори бўлиши мумкин, у ушбу қўмита таркибидан унинг аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланади.

2.12. Қўмита жамиятнинг Қўмита ваколатларига киритилган барча масалалар бўйича ҳужжатларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

2.13. Қўмита раиси бўлмаган пайтида, унинг вазифаларини Раис томонидан ваколатланган Қўмитанинг аъзоси бажаради.

2.14. Қўмитанинг Котиби фақат Банкнинг ходими – Қўмитанинг аъзоси бўлиши мумкин.

2.15. Қўмита аъзоларининг ваколатлари Банкнинг кейинги йиллик акциядорларнинг умумий йиғилишигача амал қилади.

2.16. Қўмитанинг шахсий таркибини аниқлашда талабгорларнинг тажрибаси ва малакаси ҳисобга олинади.

2.17. Қўмитанинг аъзоси – миноритар акциядор Банк акцияларининг эгаси бўлмай қолган ҳолда, у етти кунлик муддат ичида Қўмита Раисига ўзининг Қўмитанинг таркибидан чиқиши ҳақида аризани йўллаши лозим. Қўмита Раиси Қўмитанинг аъзолари томонидан ушбу банднинг талабларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади.

III. ҚЎМИТАНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

3.1. Қўмитанинг ваколатига қуйидагилар киради:

а) акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамиятнинг кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

б) миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муурожаатларини кўриб чиқиш;

в) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида муурожаатлар киритиш;

г) қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш;

д) Банкнинг корпоратив бошқарувини такомиллаштириш масалалари бўйича акциядорларнинг таклифларини ва ташаббусларини ҳар томонлама ўрганиш, Қўмитанинг Банк фаолиятида иштирокини кенгайтириш, Банкнинг миждозларига хизмат кўрсатиш сифатини, уларга тақдим этиладиган хизматларнинг сифатини яхшилаш масалалари бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш

3.2. Қўмитанинг қарорлари оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Қўмита мажлислари қўмитанинг таркибига сайланган шахсларнинг миқдор таркибидан камида тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир.

3.3. Қўмита ҳар йили Банкнинг акциядорлари умумий йиғилишида қабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳисобот беради.

IV. ҚЎМИТАНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

4.1. Қўмитанинг фаолиятига Қўмитанинг раиси раҳбарлик қилади, у Қўмитанинг иши натижалари учун ва унинг олдида қўйилган мақсадларга эришиш учун шахсий жавобгар бўлади.

4.2. Қўмитанинг Раиси:

а) Қўмитанинг фаолиятини ташкил этади;

б) Қўмитанинг мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;

в) Қўмитанинг мажлислари йиғилишларини ўтказиш шаклини белгилайди ва кун тартибини тасдиқлайди;

г) Қўмитанинг мажлисида иштирок этиш учун чақирилган шахсларнинг рўйхатини белгилайди;

д) Қўмитанинг мажлислари баённомалари юритилишини ташкил этади ва Қўмитанинг мажлислари баённомаларини имзолайди;

е) Қўмитанинг аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

ё) Қўмитанинг аъзоларига, масалани чуқурлаштирилган ҳолда ўрганиш ва Қўмитанинг мажлисида кўриб чиқиш учун материалларни тайёрлаш билан боғлиқ топшириқларни беради;

ж) Қўмитанинг фаолияти натижалари тўғрисида Президентни, Банк Бошқаруви Раисини ва зарур бўлганда Банкнинг Кузатув Кенгашини хабардор этади;

з) қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

и) Қўмитанинг мақсадлари ва вазифаларидан келиб чиқадиган бошқа функцияларни бажаради.

4.3. Қўмитанинг Котиби:

а) Қўмитанинг аъзоларига бўлажак йиғилишлар тўғрисида хабарномаларни ва кун тартиби масалалари бўйича материалларни юборади;

б) Қўмитанинг мажлиси баённомасини тайёрлайди ва имзолайди;

в) баённомаларни сақлайди;

г) манфаатдор шахсларнинг талабига кўра баённомалардан кўчирмаларни тайёрлайди;

д) Қўмита Раисининг топшириқларини бажаради.

4.4. Қўмитанинг фаолияти мунтазам асосда барпо этилади. Қўмитанинг мажлислари зарур бўлганда, лекин камида йилига 4 марта ўтказилади.

4.5. Қўмитанинг фаолияти Қўмитанинг мажлисларида кун тартибининг масалаларини кўриб чиқиш воситасида амалга оширилади. Мажлисларни амалга оширишнинг муддатлари ва тартиби Қўмитанинг раиси томонидан белгиланади. Мажлиснинг кворуми Қўмита аъзоларининг камида 50 фоизини ташкил этади.

4.6. Қарорлар оддий овоз кўпчилиги билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлганда Қўмита Раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга бўлади.

4.7. Қўмитанинг мажлисларини Қўмитанинг иштирок этмаган аъзосининг кўриб чиқиладиган масалалар бўйича ёзма фикрини ҳисобга олган ҳолда, телеконференциялар режимида, ҳамда сиртқи шаклида ўтказишга йўл қўйилади. Қўмитанинг иштирок этмаган аъзосининг кўриб чиқиладиган масалалар бўйича ёзма фикрининг мавжудлиги мажлиснинг кворумни аниқлашда ҳисобга олинади.

4.8. Кун тартиби Қўмитанинг Раиси томонидан тасдиқланади.

4.9. Қўмитанинг бўлажак мажлиси тўғрисида хабарнома электрон почта орқали Қўмитанинг котиби томонидан мажлиснинг ўтказилиши санасидан камида 3 кун аввал, унга мажлиснинг кун тартиби масалалари бўйича материаллар илова қилинган ҳолда юборилади.

4.10. Қўмита Раисининг қарорига биноан, мажлисда иштирок этиш учун бошқа шахслар таклиф қилиниши мумкин.

4.11. Қўмитанинг мажлиси натижалари бўйича Қўмитанинг котиби мажлис баённомасини тузади. Қўмитанинг мажлиси баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

а) мажлис ўтказилишининг санаси, жойи ва вақти;

б) мажлис иштирокчиларининг таркиби, шу жумладан қўмитанинг аъзолари ва таклиф қилинган шахслар;

в) мажлиснинг кун тартиби;

г) кўриб чиқилаётган масалаларни муҳокама қилиш жараёнида айтилган таклифлар ва фикрлар;

д) кўриб чиқилаётган масалалар бўйича овоз бериш натижалари ва қабул қилинган қарорлар.

е) Баённома мажлис ўтказилган санадан бошлаб 2 иш куни давомида тузилади.

V. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

5.1. Мазкур Низомнинг талаблари Банк, унинг иштирокчилари, Қўмита аъзолари, Кузатув кенгашининг аъзолари, Ижроия органининг аъзолари, Банкнинг бошқа мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан бажарилиши мажбурийдир.

5.2. Мазкур Низом ва унга барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар Жамият иштирокчилари умумий йиғилиши томонидан бир овоздан тасдиқланади.

5.3. Қонунчиликнинг ўзгариши натижасида мазкур Низомнинг айрим моддалари унга зид ҳолга келиб қолса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади, ва Қонунчиликнинг қоидалари устувор кучига эга бўлади. Мазкур Низомнинг Қонунчиликка зид бўлган моддалари мазкур Низомнинг қолган моддалари юридик жиҳатдан ҳақиқий бўлишига таъсир қилмайди, Банк эса ўз кучини йўқотган моддаларни Қонунчиликка зид бўлмаган шунга ўхшаш мазмундаги янги моддалар билан алмаштириш учун барча имкониятларини амалга оширади.

5.4. Мазкур Низомнинг Банк Уставига ҳар қандай номувофиқлиги бўлган ҳолда, Банк Устави устувор кучига эга бўлади.

Кенгаш аъзолари:

К. Ирисбекова

Ш. Хаджизадаев

Ш. Кадиров

Р. Мансуров

Б. Тоҳиров

Ш. Атамухамедов

Т. Иминов

Ф. Юлдашев